



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqqan boshlagan

2001 yil, 21 dekabr № 51 (484)

Sotuvda narxi erkin

“СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ДА НИМА ГАП?

“Сурхондарё Телеком” шўъба корхонасида аҳолига жаҳон андозлари даражасида алоқа хизмати кўрсатиш борасида маълум ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда кўплаб миқозлар рақамли телефон имкониятларидан фойдаланишмоқда.

Айни чоғда хайрли ишлар билан бир қаторда ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳам тўпланиб қолган. Уларни ўз

вақтида бартараф этиш чоратadbirlari қўрилмади. Натижада шўъба корхонаси жамоаси орасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка дарз кетди, ариза ва шикоятлар кўпайди. Бу эса умумий ишга салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Жамоада бўлиб ўтган умумий йиғилишда юқорида тилга олинган камчиликлар рўй-рост айtilди. Раҳбарликни

бўшаштириб юборганлиги учун Шавкат Ёқубов ўз вазифасидан озод қилинди. Корхонанинг Шўрчи филиали раҳбари вазифасида ишлаб турган Усмон Ашуров “Сурхондарё Телеком” шўъба корхонасининг бош директори этиб тайинланди.

Тadbirla Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори ўринбосари А. Избосаров, “Ўзбектелеком-Интернейшн” қўшма корхонаси акциядорлик жамияти Бош директори Ҳ. Ҳикматов ва бошқалар иштирок этди.

Н. ЗИЁЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

ТАЙИНЛАШ



Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агент-

лигининг Лицензиялаш, сертификациялаш ва стандартлаш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган **Ҳолик Содиқович СОАТОВ** Агентлик ҳайъати қарори ҳамда Бош директори буйруғига кўра Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхонаси бошлиғи этиб тайинланди.

Андижон вилояти Давлат алоқа инспекцияси жорий йилнинг ўтган ўйи давомида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан вилоят ҳудудидаги почта ва телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатаётган ўн саккизта ҳўжалик юритувчи субъектларда текширувлар ўтказди.

Текширишлар жараёнида телекоммуникацияга доир қўнуний ва меъёрий ҳўжатлар талабларининг бажарилиши, истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсизлик техникаси, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар, шунингдек, лицензия келишуви шартлари ва вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан олдинги текширишлар натижалари бўйича берилган кўрсатмаларнинг бажарилиши назорат остига олинди.

Маълумки, “Андижон Телеком” АЖ томонидан шаҳарлараро автомат телефон алоқасини яхшилаш мақсадида бешта шаҳар ва ўн тўртта кишлоқ телефон тармоғи АТСларида АОН қўрилмалари ўрнатилган. Олиб борилаётган ишларга қарамасдан, текширилган филиалларда шаҳарлараро ва халқаро йўналишдаги йўқотишлар бўйича лицензия шартлари бажарилмаётганлиги, маблағ етишмаслиги оқибатида сарможа режасининг ҳам пастлиги, амалдаги қўну ва меъёрий ҳўжатлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги натижасида ЛАЭС, радио узатиш тармоқларида юритилаётган бирламчи ҳўжатлар талаб даражасида эмаслиги, Пахтабод, Қўрғонтепа,

Марҳамат, Олтинқўл филиаллари томонидан тақдим этилган 13-шаклдаги алоқа сифати билан боғлиқ статистик ҳисоботнинг юзаси эканлиги аниқланди. Асака, Балиқчи, Қўрғонтепа филиалларида эса мавжуд магистрал кабелларни герметиклигини таъминлаб, меъёрдаги 0.04 л/мин ҳаво босими остига қўйиш ишлари етарли даражада олиб борилмаган. Барча текширилган филиалларда кишлоқ телефон станцияларининг аксариятида аккумуляторлар яроқсиз ҳўлатда. Энг ачинарлиси, Пахтабод,

дан чора-таadbirlar қўрилди. Жумладан, иккала корхонада ҳам “Ишонч телефони” ташкил этилди. Миқозлар билан яқин мулоқотда бўлиш, уларнинг тақлиф ва истакларини билиш мақсадида Андижон шаҳри ва Улўғнор туманида анкета-сўровномалар ўтказилди. Таркибий бўлинмалардаги ҳўлатни аниқлаш борасида қўшма рейдлар қилинмоқда.

Вилоят ҳудудида сертификатланмаган радиотелефонлар ва узатувчи қўрилмаларни ноқонуний олиб келиш, сотиш ва фойдаланиш ҳўлатларига чек қўйиш мақсадида вилоят Ички ишлар, Миллий хавфсизлик, Солиқ ва Божхона бошқармалари ҳамда Электромангит мос-

лашув хизмати бўлими билан биргаликда иш олиб боришмоқда. Ушбу ҳамкорлик натижасида вилоят ҳудудида истикомат қилувчи тўрт нафар фуқарога қўлбола радиотелефон қўрилмасидан ноқонуний равишда фойдаланиб, радиочастоталардан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун энг кам иш ҳақининг ўртача ўн ойлик маоши миқдорида жарима солинди. Андижон шаҳрида лицензия олмасдан фаолият кўрсатаётган “Шамол-ТВ” кабел телевидение студиясининг фаолияти эса тўхтатилди.

Андижон вилояти Давлат алоқа инспекцияси бундан кейин ҳам миқозларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатини таъминлаш борасидаги ишларни янада жонлантиришга ҳаракат қилади.

Р. ТАВАККОЛОВ,
Андижон вилояти
Давлат алоқа инспекцияси
бошлиғи

МАҚСАДИМИЗ — СИФАТ БАРҚАРОРЛИГИ

Марҳамат, Қўрғонтепа туман марказларидаги АТСларда ички алоқадаги раддиалар белгиланган меъёрдан юқори.

“Андижон почтаси” АЖ нинг Олтинқўл, Пойтўғ, Пахтабод, Марҳамат, Қўрғонтепа ва Куйганёр филиаллари текширилганда бу корхоналарда хабарчиларнинг ишини таҳлил қилиб бориш учун 125-шаклдаги сўровнома ва назорат хатлари юбориш ташкил этилмаганлиги, ишонч қўзғосиз пенсия ва нафақа пулларини тўлаш ҳўлатлари учратаётганлиги, мавжуд механик тарозулар “Ўздавстандарт” қўриғидан ўтказилмаганлиги, филиаллар ва алоқа бўлимларида амалдаги меъёрий ҳўжатларнинг етарли эмаслиги аён бўлди. Ўтказилган текшириш аяқларни бўйича ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида “Андижон Телеком” ва “Андижон почтаси” АЖлари билан биргаликда алоқа хизматлари сифатини яхшилаш юзаси-

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎПИДА

Шу кунларда Ҳ. Ҳазратқулов раҳбарлик қилаётган Бўхоро вилояти “Матбуот тарқатувчи” масъулияти чекланган жамиятида 2002 йил учун матбуот нашрларига обуна қизғин давом этмоқда. Уни уюшқоқлик билан ўтказиш корхона ходимларининг ҳам биринчи галдаги вазифасига айланган. Уларнинг сай-ҳаракатлари туфайли республика, вилоят ва туманлардаги маҳаллий газеталар обунаси 22860 нусхадан ошиб кетди. Бунда “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Фидокор”, “Ишонч”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Тонг қолдузи”, “Маърифат”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” каби марказий нашрларнинг салмоғи юқоридир. Обуна мавсумини ўз вақтида уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида вилоят телевидениеси ва газеталари орқали тегишли реклама эълонлари бериб бориляпти. Корхона ходимлари матбуот заҳматқашлари, журналистлар билан ҳамкорликда жойларда ўтказилаётган турли учрашув ва давра суҳбатларида фаол қатнашмоқдалар.

Матбуот нашрларининг узилишларисиз, ўз вақтида сотувга чиқарилаётганлиги эътиборга молиқдир. Бу борда корхонанинг Ёйхўвон туман бўлими бошлиғи Ҳ. Мўхаммедова, Бўхоро шаҳри почта ходимларидан Ф. Маҳкамова, Ҳ. Бозоров, Ҳ. Асадов, шаҳардаги қатор газета дўконларида ишлаётган С. Темиров, Т. Примова, Ф. Раҳимова сингари ходимларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар муҳлисларга беминнат хизмат қилишмоқда. Миқозларнинг талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондирмоқдалар.

Айни кунда биргина Бўхоро шаҳрида 90 дан зиёд, матбуот дўконлари ишлаб турибди. Даврий нашрларнинг харидорчилигини таъминлаш мазкур

дўконлар жойлашувига ҳам боғлиқдир. Кўп ҳўлларда панастқам, йўловчилар унчалик кўп бўлмаган жойларда газетажурнал дўконлари қаққайиб турганига қўзимиз тушади. Аҳоли гавжум жойларни эса аксарият тижорат дўконлари эгаллаб олган. Шундай дамларда беихтиёр ўйга толасан, киши. Бозор иқтисодиётининг келишиб бўлмас бундай номутаносибликлари ҳалқимиз маънавиятига, айниқса ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаётганмикин? Биз шу ўринда корхона директорида алоқачиларнинг сеvimли нашри “Хабар” газетаси ҳақидаги фикрмулоҳазаларини сўрадик.

— Биласизми, — деди Ҳ. Ҳазратқулов “Хабар” газетасининг кейинги сонларидан бирини қўлга олар экан. — Газета йил сайин соҳа ходимларининг сеvim бўлиб ўқийдиган нашри, яқин маслаҳатгўйига айланаиб борапти. Бунда тахририят ходимларининг хизмати катта, албатта. Ишимизда муаммолар ҳали кўп. Танқидий чиқишларга кўпроқ ўрин берилса, янада яхши бўларди.

Фурсатдан фойдаланиб, “Хабар” газетаси тахририяти ходимларини яқинлашиб келаётган янги — 2002 йил билан чўй қалбдан, самимий қўтлайман, уларга янги ижодий парвозлар тилайман.

Мақолаимиз сўнггида диққатга сазовор далил-рақамни келтириб ўтмоқчимиз. Биз фикр юритган мазкур “Матбуот тарқатувчи” масъулияти чекланган жамияти бўйича 2001 йилнинг ўн ойида аҳолига жами 148680,1 минг сўмлик даврий нашрлар сотилган. 201,0 минг сўмлик соф фойда олинган. Ушбу кўрсаткичларнинг янги йилда янада юқори бўлишига умид билдириб қоламиз.

А. ИСТАМОВ,
Бўхоро вилояти

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга йиллик обуна мавсуми 2001 йил, 20 декабрда аяқланди. Аммо бу обуна мавсуми тўғрисида дегани эмас. Энди сиз ҳар ойнинг йиғирманчи кунигача обуна бўлсангиз, навбатдаги ойдан бошлаб йил охиригача газетамизни ўқишга муяссар бўласиз.

“Хабар”га барча алоқа бўлимларида ва газета дўконларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:
Якка тартибдагилар учун — 227.
Ташкилотлар учун — 228.

“Навой Телеком” акциядорлик жамияти вилотдаги кўзга кўринган корхоналардан биридир. Мухбиримиз корхона раҳбари Бозорали ТУНГИШБОВ билан суҳбатлашди.

Бозорали Ибраҳимов, мана, 2001 йил ҳам ўз низоҳатига етмоқда. Корхонанинг бу йилги меҳнат кўрсаткичлари қандай бўлди?

— Жорий йил корхонамиз учун муваффақиятли якунланмоқда. Аввало, тўққиз ойлик иш натижалари тўғрисида гапирсам. Шу давр мобайнида 1 млн. 165714 минг сўмлик даромад қилинди. Жумладан, 1159567,8 минг сўмлик алоқа ҳамда 784 минг сўмлик транспорт хизмати кўрсатилди, 5362 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 3222 та телефон аппаратлари ўрнатилди. Бу белгиланган режага нисбатан қарийб 140 фоиз демакдир. Шунингдек, алоқа соҳасида кичик бизнесни ташкил қилиш юзасидан муайян ишлар бошлаб юборилди. Кўрсатилган алоқа хизмати учун абонентлардан тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар қўйилган самарани бермоқда. Ушбу ютуқларга жамоамиздаги ҳар бир раҳбар, ишчи-хизматчилар ўз зиммасида-

ЮКСАК МАЪНАВИЯТГА ТАЯНИБ

ти вазифанинг нечоғли масъудият-ли эканигини билган ҳолда, якуний иш натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорликни ҳис этиб, виждонан меҳнат қилганлик-лари тўғрисида эришялмиз. Ходимларимизнинг маънавиятини юксалтиришга эътибор берилётгани ютуқларимизнинг асосий омиллардан биридир.

— Шундай экан, корхонада бу борала амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида атрофича тўхталиб ўтсангиз.

— Кўпчилик корхона ва ташкилотларда бўлгани сингари бизда ҳам алоҳида жиҳозланган “Маънавият ва маърифат” хонаси бор, у жамоамизнинг барча аъзолари учун ҳар доим очик. Зарур алабиётлар, шир ва плакатлар, матбуот нашрлари бўлган бу хонада ишчи-хизматчиларимизнинг маънавий жиҳатдан янада юксалишига йўналтирилган тадбирлар уюштирилиб келиняпти. Шу йилнинг ўзида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги олдидан шоир ва ёзувчилар, олимлар ва санъаткорлар иштирокида учрашув ва суҳбатлар ташкил қилинди.

— Мустақиллик, Наврўз, Алоқа ходимлари куни, Янги йил сингари байрамларни жамоа аъзолари би-

дан биргаликда нишонлаш одат тусига кирган. Ишчи-хизматчиларимизнинг туғилган кунлари ва бошқа тантаналар-маъмурият ҳамда касба уюшмаси кўмитаси томонидан тақдирланиб борилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, 50 нафар ишчи-хизматчилар ўз газетамиз “Хабар”га, 40 нафар пенсионерларимиз эса вилот “Дўстлик байрони” ва “Знамя дружбы” газеталарида бепул обуна қилинди. Умуман, жамоамиз аъзоларининг 2002 йил учун қарийб 50 номдаги газета-журналлар обунасига икки миллион сўм атрофида маблағ ажратилди.

— Сизга алоқачиларнинг тармоқ газетаси “Хабар”га келаси йил учун обуна миқдори жамоа аъзолари сонига нисбатан қанчалик тўқнашган?

— Тўғри таъкидладингиз. Биз сеvimли газетамизга обунани имкон қадар кўпроқ ташкил этиш учун барча имкониятларни ишга соялганмиз. Лекин бу боралаги кўрсаткич баъзи вилотлардагига қараганда настрок даражада қолаётган экан, бунинг баъзи объектив сабаблари бор. Вилотимизда 84 миллат ва эллатта мансуб 800 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, улар-

нинг кўпчилигини рус тилида сўзлашувчилар ташкил этади. Бу айниқса Навой, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари акциядорлик жамияти ва унинг бўлинмаларида ишловчиларнинг билавий сулоласи шаклланиши ҳам обунанинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Корхонанинг Навойи шаҳри, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларидаги бўлинмаларида давлат тилини ўрганиш бўйича ўқув курслари ташкил қилиниши натижасида ўзбек тилида сўзловчилар сони кўпайиб бормоқда. Бу яқин келажакда муаммо ўз ечимини топади, деган гап.

— Якунланаётган йил мамлакатимизда “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилинганди. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар қандай жамиятнинг маданий ва маънавий даражаси унинг оналар ва болаларга муносабатидан ҳам намоён бўлади. Корхонамизда бу борала қандай ишлар қилинди?

— Корхонамизда “Оналар ва болалар йили” муносабати билан маъмурият ва касба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида йил мобайнида амалга оширилган тадбир-

лар дастури ишлаб чиқилди ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун барча имкониятлардан фойдаланилди. Дастурга мувофиқ корхонада хизмат қилаётган аёллар учун қўлай шарт-шароитлар, тиббий хизматлардан фойдаланишда қўшимча қўлайликлар яратилди. Уларнинг кўнгилли ҳорлик чиқаришлари, сўхатқошларда даволашиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари йўлида ғамхўрлик кўрсатилди. Шунингдек, улар ўзлари қизикқан спорт турлари билан шуғулланиб, вилот ва республика миқёсидаги беллашувларда муваффақиятли иштирок этишлар. Корхонада алоқачиларнинг фарзандлари ҳам доимо диққат-эътиборда.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Сизни ва навойлик алоқа ходимларини қириб келаётган Янги йил билан қўтлаймиз. 2002 йилда меҳнат ютуқларингизнинг янада кўпайишини, барча орзу-мақсадларингиз амалга ошишини тилаймиз.

— Раҳмат. Мен ҳам мамлакатимиздаги барча ҳамкасбларимни қириб келаётган Янги йил билан табриклайман. Масъудиятли ва шарафли меҳнатларида қатъи муваффақиятлар, соғ-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Олим ХУҲАЕВ
суҳбатлашди

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ
куйдаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

Доцентлар:

Физика — 1,

Иқтисодиёт назарияси — 1.

Катта

ўқитувчилар:

Чет тиллар — 1,

Мухандислик графикаси — 1,

Электрон ва квант асбоблар — 1,

Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Ўзбек ва рус тиллари — 4,

Радиоалоқа қурилмалари — 1,

Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1,

Электр-занжирлари назарияси — 1.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари қатнашишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108-уй.



35-11-50

“Электралоқа таъминот”

акциядорлик жамияти барча алоқа корхоналари, ташкилотлар ҳамда хоҳловчиларга куйдаги алоқа ашёларини таклиф этади:

- Дизелктр тўшамалари;
- Махсус дизелктр оёқ кийимлари ва қўлқоплари;
- Монтерлик индикаторлари;
- ТПП телефон кабелли, симлар;
- Турли телефон аппаратлари;
- Асбоблар;
- ВК-9 елими;
- Универсал монтерлик қосгилари;
- Монтерлик қосги лазлари;
- Электр пайвандлагичлари;
- Кабел қутилари;
- ПУ-10 сўзлашув қурилмалари;
- ШРЗ-60 м. Шит;
- БКТ бокслари;
- КРТ-10х2 телефон қутилари;
- Матоҳ полотнолари;
- Қалин жун одеяллари;
- Электр чойнақлари (Россия);
- 10 дан 100 гача кабел муфтлари;
- УК қутилари;
- Адаптерлар. (телефон розеткалари);
- 16 мм ва 32 мм.ли арматуралар, металл ёядиган фондли 63х63 ҳажмдаги бурчаклар.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри,

Фарғона йўли

кўчаси, 15-уй.

Телефонлар:

(371) 191-65-10,

191-23-64.

Факс:

(371) 136-36-27.

ХАРТУМГА АҚШДАН КЎНФИРОК КИЛСА БЎЛАДИМИ?

Ўқитувчи Маҳмуджоннинг Америкада таълим олаётган ўғли Умиджон уйига телефон қилолмасди.

Андижон туманида Хар-тум қишлоғи бор. Яқин вақтгача хартумликлар Анди-жон шаҳрига туман маркази Куйганёр орқали боғланарди-лар. Энди эса аҳвол бошқа-ча. Мижозларга қўлайлик яра-тиш мақсадида ИКМ-30 Хар-тум АТСига АОН қурилмаси ўрнатилиши натижасида ша-ҳардан Хартумга олтига ра-қам билан, Хартумдан эса қўшимча “9” рақамини териб боғланиш мумкин бўлмоқда. Ушбу ишларни амалга оши-ришда “Андижон Телеком” АЖ бош директорининг би-ринчи ўринбосари М. Ниё-зов, Куйганёр бўлими бош муҳандиси А. Каримов, етак-чи муҳандис А. Султонов ва муҳандис Р.Бекмирзаевлар-нинг хизмати катта бўлди.

Бу ҳаммаси эмас. Ҳозир худди шундай ишлар қўшни Харабек қишлоғидаги АТС билан ҳам поёнига етказил-моқда.

Хўп, алоқа осонлашди. Фарқ борми? Бош муҳандис А. Каримовнинг айтишича, аввало мижоз кўпайиб, теле-фон туширишга аризалар сони ошган. Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ортган. Умиджон энди бемалол те-лефон қилаверса бўлади.

Р. УЗОҚОВ,
Андижон вилоти

ОМОН БЎЛИНГ, УСТОЗ



“Тошкент Телеком” акциядорлик жамияти Зангиота филиалида меҳнат қилаётган Собит Фафоров ўз касби-нинг фидойиси, кўплаб шогирдларнинг меҳрибон устози-дир. Бир соҳада 43 йил эл хизматини қилиб, одамлар хўрматига муяссар бўлиш осон эмас, албатта.

Собит ака номини катталар алоҳида хўрмат билан тил-га олсалар, болалар қувониб “Ана, радиочи амаки келяп-тилар” дейишди.

Туман радиоэшиттириш ва радиолаштириш муҳандиси С. Фафоров кўп йиллик ҳалол меҳнати эвазига шундай эътибор қозонди. Фаҳрий ҳамон шогирдлари билан кўча кезади. 1958 йилдан буён туман қишлоқларида радионинг бир меъёрида ишлаб туришида, одамларнинг маънавий-маданий ҳаётини нурафшон этишда бу кишининг хизматла-ри алоҳида. Ҳамиша омон бўлинг, Собит ака.

М. БОТИРОВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Қашқадарё Телеком” АЖ Нишон филиали жамоаси кор-хона директори **Бекмурод ТўРАБОВ**ни 50 ёшга тўлиши му-носабати билан чин дилдан муборакбод этади. Унга узоқ умр, соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва ишларида омад тилайди.

“Бухоро почтаси” АЖ Ромитон филиали жамоаси кор-хона директори **Муҳитдин ТўХТАЕВ** ҳамда Бонитуркон алоқа бўлими бошлиғи **Искандар ПИРОВ**ларни туғил-ган кунлари билан самимий табриклайди. Уларга узоқ умр, сўхат-саломатлик, ишларида муваффа-қиятлар тилаб қолади.

Бир куни Сойиб Хўжаев об-хавони кузатиш марказига бориб қолибди. Марказ бошлиғи қироат билан навбатдаги маълумотни котибасига ёздираётган экан:

— Ёзинг! Эртага кундузи Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ҳаво булутланиб турса-да, ёмғир ёғмайди. 25-30 даража иссиқ бўлади.

— Ассалому алайкум, — дебди уста қўлини кўксига қўйиб.
— Фарғона водийсидан эсаяётган шамол, — бошлиқ Сойиб акага парво қилмай давом этти-раверибди, — кечга бориб бўронга айланади. Сел келиши эҳти-моли бор.

— Вой, ўлай! — деб юборибди котиба бирдан. — Марғилондаги аммам эртага тўй қилаёт-ганиди.

— Унда, — Сойиб ака қулиб дебди, — бўронни Хоразмга, сел-ни Қорақалпоққа ёзиб қўяверинг, сингил, барибир айтган-ларининг акси бўлади!



Уста қушларга жуда ишқибоз экан. Буни билган наманганлик ҳазилкаш оғайнилари у кишига тўти совға қилишибди. Тўтини “булбулигўё” деб хўп таърифни келтиришган экан, машинада келаётиб секин гапга солиб кўришса, биргина жумлани бил-лармиш холос: “Баттар бўл! Бат-тар бўл! Баттар бўл!”

— Ҳа, ўзим сени ўқитаман. Га-пирмаганингга қўймайман! Гапга кирмасанг ўзинг баттар бўласан! — дебди уста унга қараб.

Наманган билан Тошкентнинг ораси олис. Ярим кечаси уйларига кириб боришибди. Чарчагани учун

КУЛГИ ДАРФАЛАРИ БИСОТИДАН

келиноининг саволларига ҳам чала-чулла жавоб бериб, дарҳол ухлагани ётибди. Эртасига ишга шошилганидан, тўти ҳақида хотинлари билан яна гаплаша ол-мабди. Тушга бориб қорин очиб, уйга қўнғироқ қилибди:

— Ҳов, онаси, тушда бизни нима билан сийламоқчисиз?

— Э, битта қуш олиб келган экансиз-ку, “Баттар бўл” деган, — хотинлари жавоб қилибди. — Ушани сўйиб, тозалаб шўрва сол-ладим. Эрталабдан буюн қайна-таман юмшай демайди! Газ паст-лик қўлқатимикин деб ташқарига қозонга олиб чиқиб солиб, бир арава ўтин ёқиб юбордим, пишай демайди!

Уста беихтиёр:
— Баттар бўл! Баттар бўл! Бат-тар бўл! — деб юборибди.

Буни эшитган хотинлари яна сўрашмишлар:

— Ие, “Баттар бўл”дан иккига олиб келувдингизми, даласи?

арқонни боғлаб “учиришибди”. Арқон панд берганими ёки бушроқ боғлашганими, “учиб” кетаётган одам ярим йўлга борганда турсил-лаб саҳнага қулабди. Театр жамоа-си қўл силтаб, “Томоша тамо! Шарманда бўлди, шарманда!” деб туришса ... Сойиб ака томошада худди шундай бўлиши керакдай, шошилмасдан ўринларидан туриб-ди. Белларини обдон силаб, бема-лол керишиб олиб, томошабин-ларга қараб дебилар:

— Э, воҳ! Арқон заводидаги-ларга ҳам раҳмат! Арқонларни жуда “боғлаб” эшишяпти! Бу арқонлар билан бир уринишда мириқиб ойма ҳам учолмайсан, Бошқатдан учамиз, зора бу сафар ойма етвол-сак!



Устанинг шогирдларидан бири қудаларга бошловчи бўлиб келин-никитга борибди. Аммо тўйхона эшигиде ўтирганлар буларга пар-

во ҳам қилиб қўйишмабди. Шо-гирд қараса мезбонлар сафиде Сойиб ака ўтирганмиш. Секин уларни чепта тортиб, сўрабди:

— Ўлмас аканинг уйи шуми?

— Шу.

— Бизи маҳалладаги Норматжон-га қизини бериштимиз?

— Шундоқ,

— Қудаларни бошлаб келувдим, — деб шогирд-лари машина олдига тур-

ган шерикларига ишора қилибди.
— Нима, қудаларни? — уста қўдаларини бор бўйича очибди. — Унда ановилар ким бўлди? — деб ичкарига имлабди.

Шогирд қараса, ичкаридан беш-ўнта эркак қўлтиқларида тугунчалар, “Муборак бўлсин! Ўзларига қутлуг бўлсин!” дейишиб чиқиб келишяёт-ганмиш!

Андак савол-жавобдан кейин маълум бўлибдики, “Қутлуг бўлсин!” деган қудалар алашган. Шу маҳалланинг қўйроқ қисмида ҳам бир одам қизини чиқараётган экан.

— Энди, — Уста аскияни бош-лабди, — улар алашиб сизларники-ни еб қўйишибди. Энди сизлар бо-риб буларникини еб келақоласизлар! Аския, қўли билан дастурхон ёз, овқат қил бошлангилар. Шунинг устига қўвнавқарлар ҳам келиб қолибди-да!

— Тўхта! Карнайни чалмай тур! — Устанинг овози эшитилибди.

Сўнг шогирдини чақириб сўрабди:

— Ҳов, қара-чи, қўв бизни-ким ёки қўшникини?!

Ш. ЭРТАШ ўзги тайёрлаган

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёкубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:**
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақам-лар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-3139.
4482 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифа-ланди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТЕБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЈАСИ
БОСМАХОНАСИ.**
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Тўрон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6



Қуш — теҳраниги қуш.

БҲҮҮҚ ЧҲТҲҮ

1855 йилда Парижда бўлиб ўтган жаҳон кўргазмасида қумушимон 12 бўлак оқ металл ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига тортиди. У бошқа металллардан юмшоқ, осон эрийдиган, қумушга ўхшаган, лекин ундан анча енгил эди. Энг ажабланарлиси бу металл оддий лой таркибида ҳам бор эди. Ўша вақтларда «лой қумуши» деб аталган бу металл тез-тез учраб турадиган тоғ жинсларидан гранит ва базальт таркибида ҳам бўлган. У табиатда тарқалиши бўйича кислород ва кремнийдан кейин учинчи ўринда турган. Бу ҳозирги пайтда ҳаммага маълум алюминий эди.

Алюминийнинг нархи дастлаб кашф этилганда жуда қimmat (олтиндан сал арзон) бўлиб, фақат заргарлик зеб-зийнатлари учун ишлатилган. Уни боксит рудасидан ишлаб олиш жуда қийин бўлган, чунки бунинг учун жуда кўп электр энергияси керак бўларди. У даврда ҳали электр станциялари бўлмаган.

Алюминий XX аср метали деб бежиз айтилмайди. Усиз ҳозирги замон техникасидаги энг ажойиб ютуқларга эришиб бўлмас эди. Алюминий ва унинг қотишмалари самолётсозликда, сув ости қанотли кемаларни, Ер сунъий йўлдошларини қуришда ишлатилади. Ҳар қандай радиопремник ёки телеви-зорнинг ичида албатта алюминийдан ясалган деталлар бор.

ЗАРДУШТ ҲИКМАТЛАРИ

- Тангри шому саҳар бандаларига ёрдам бералиган одамларни ёқтиради.
- Кишилар яхши ҳулқ билан камолот ва мангуликка эришадилар.
- Яхшилик одамини мангулик кишвари — жаннатга элтади.
- Яхши устозлар тангрига яқин одамлардирлар.
- Нодоннинг ибодат пайтида рақсга тушгиси келади.
- Одамларга яхшилик қилмоқ дунёдаги энг муътабар олатдир.
- Рост сўз сендан қоладиган энг қутлуг ёдгорликдир.
- Рост амалдан бошқа ҳеч нарса билан шуғулланманг.
- Ҳаммага яхшилик тилайдиган одамларга яхшилик етсин.
- Тоғ жилғаларидан биттасини қуриган одам Тангри душмандир.
- Дўстлик ришталарини поклик билан маҳкам тут.
- Соғлиқ энг яхши дўст, касаллик даҳшатли душмандир.
- Ҳар бир инсон ўзи ўсиб, улғайган мамлакатни энг яхши ва гўзал мамлакат, деб тушунмоғи керак.
- Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, ҳаво, олов, ум-ман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчиллир.
- Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган ер энг ёмон заминдир.

• Ажаб дунё

БАЛИҚ — ПИРАНИЯ

Бразилия дарёларида пирания деган балиқ яшайди. Катталиги чўртандек, тиши пичоқдек ўткир. Улар сувга келган ҳайвонларга ҳужум қилиб, қашқирдек яллаб-ютадилар. Ярим соатда сувга келган ситирнинг суяги қолади, холос. Тўрни тишлари билан кесиб, қуту-либ кетали.

КЎШИҚЧИ ТЎРФАЙЛАР

Бир француз фуқароси қора тўрғайни “Марселеза” мадҳиясини ҳуштак қилиб айтишга ўргатибди. Ушбу тўрғай уй деразасидан учиб чиқиб юрар экан.

Бир неча кундан кейин, маълум бўлишича, шу тўрғайдан кўшиқ-ни ўрганган бошқа тўрғайлар Франциянинг миллий мадҳияси — “Марселеза”ни жўр бўлиб айтишадиган бўлишибди.